

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04.12.2018.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

КАМАЛИДИНОВА ШАХНОЗА МАХМУДХАНОВНА

**ҲОМИЛАНИНГ ТУҒМА НУҚСОНЛАРИ ВА ХРОМОСОМА
АНОМАЛИЯЛАРИНИ ТАШХИСЛАШДА УЛЬТРАТОВУШ ВА
БИОКИМЁВИЙ СКРИНИНГ УСУЛЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ**

14.00.19 – Клиник радиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Докторлик диссертацияси (DSc) автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)

Content of the dissertation abstract of doctor of Science (DSc)

Камалидинова Шахноза Махмудхановна

Ҳомиланинг туғма нуқсонлари ва хромосома
аномалияларини ташхислашда ультратовуш

ва биокимёвий скрининг усулларининг самарадорлиги 3

Камалидинова Шахноза Махмудхановна

Эффективность ультразвукового и биохимического
скрининга пороков развития плода и хромосомных аномалий

25

Kamalidinova Shakhnoza Makhmudkhanovna

Efficiency of ultrasound and biochemical screening
of fetal malformations and chromosomal abnormalities

47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 51

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04.12.2018.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

КАМАЛИДИНОВА ШАХНОЗА МАХМУДХАНОВНА

**ҲОМИЛАНИНГ ТУҒМА НУҚСОНЛАРИ ВА ХРОМОСОМА
АНОМАЛИЯЛАРИНИ ТАШХИСЛАШДА УЛЬТРАТОВУШ ВА
БИОКИМЁВИЙ СКРИНИНГ УСУЛЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ**

14.00.19 – Клиник радиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.DSc/Tib165 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.cancercenter.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталининг (www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Фазилов Акрам Акмалович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Алтинник Наталья Анатольевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Юсупалиева Гульнара Акмаловна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Курбанов Джахангир Жамалович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Н.И.Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт университети (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc. 04.12.2018.Tib.77.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ кунини соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри Фаробий кўчаси 383-уй. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96; e-mail: (info@cancercenter.uz)).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри Фаробий кўчаси 383-уй. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96; e-mail: info@cancercenter.uz.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ кунини тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

М.Н. Тилляшайхов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.А. Адилходжаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

М.Х. Ходжибеков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳомиланинг ирсий ва туғма касалликлар пренатал диагностикаси соғлиқни сақлаш тизимининг долзарб муаммоларидан биридир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотларига кўра «...ирсий касалликлар ва туғма ривожланиш нуқсонлари (ТРН) 5-5,5% чақалоқларда қайд қилинади, бундан ташқари ҳар йили 303 000 бола ушбу касалликлардан ҳаётининг дастлабки тўрт ҳафтаси мобайнида нобуд бўлади.....»¹. Ҳомила ривожланиш нуқсонлари ва хромосома аномалияларининг кенг тарқалганлиги пренатал ташхисот, ҳомиладорлар скрининги усулларини такомиллаштириш ва замонавий перинатал технологиялардан фойдаланиш, перинатал ўлим кўрсаткичларини камайтиришнинг муҳим омили ҳисобланди. Наслий касалликларини ташхислашда асосий усул ҳомилани кариотиплаш ҳисобланади, лекин, у инвазив усул бўлиб муайян даражада ҳомилани пренатал тарзда йўқотишга олиб келиши хавфи мавжуд. Биокимёвий тест биргалигида регионал фетометрик меъёрлар, ҳомиладаги ирсий касалликлар ва ТРН замонавий эхографик маркерларни ҳисобга олувчи хавфсиз ва самарали ноинвазив пренатал тест ҳисобланади. Ҳомила ТРНнинг эрта ташхисотига оид муҳим масалалар бўйича мутахассисларда ягона қарашларнинг мавжуд эмаслиги ушбу масалаларни умумлашган тартибда ўрганишнинг долзарблигини белгилаб беради.

Жаҳонда ҳомиланинг туғма нуқсонлари ва хромосома аномалияларни ташхислашда ультратовуш ва биокимёвий скрининг усулларининг самарадорлигини оширишга қаратилган қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Уларни анализ натижасида, ҳомиладорликнинг биринчи уч ойлигида регионал фетометрик ва биометрик меъёрларни ишлаб чиқиш, микроцефалияни эрта ультратовуш ташхисни маркёрини аниқлаш ва ҳомилада хромосома аномалиялари ҳомиладор аёлнинг ёшига боғлиқлик йўқлигини асослаш зарурияти аниқланди. Пренатал ташхислашни асосий вазибалардан бири бу ҳомиланинг хромосома аномалиялари билан туғилиш хавфи бўлган гуруҳга кирувчи ҳомиладор аёлларга биокимёвий ва ультратовуш скрининг, ноинвазив пренатал тест ва инвазив ташхисот усули ёрдамида ташхисни тасдиқлаш.

Бугунги кунда республикамизда тиббиёт соҳасини сифат жиҳатдан ривожлантириш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш, жумладан, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида муайян ишлар олиб борилмоқда. «...Аҳолига тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий этиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш; тиббий генетикани,

¹World Health Organization. Congenital anomalies, 2016. <https://www.who.int/ru/news-room/factsheets/detail/congenital-anomalies>

аёллар ва болаларга шошилиш ва ихтисослашган тиббий ёрдамни ривожлантириш асосида, замонавий скрининг дастурларини жорий этиш, «Она ва бола» ҳудудий кўп тармоқли тиббиёт мажмуалари ва маълумотлар тизимларини шакллантириш асосида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш...»² тиббий хизмат ходимлари олдида қўйилган асосий вазифалардан биридир. Ушбу вазифаларни бажариш ва ҳомилани нуқсонларни ўз вақтида ташхислаш тизимини такомиллаштириш болалар орасида ўлим кўрсаткични камайтиришни имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 25 декабрдаги ПҚ–3440-сон «2018–2022 йиллар даврида болаларда туғма ва ирсий касалликларни барқат аниқлаш давлат дастури тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI«Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³. Ҳомиланинг туғма нуқсонлари ва хромосома аномалияларни ташхислашда ультратовуш ва биокимёвий скрининг усулларнинг самарадорлигини оширишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари дунёнинг кўплаб етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, University of Miami, University of Maryland, Children's Hospital of Wisconsin (АҚШ); The Fetal Medicine Foundation, Harris Birthright Research Centre for Fetal Medicine, King's College Hospital Medical School London, ISUOG, The Royal Australian and New Zealand College of Obstetricians and Gynaecologists Obstetrics and Gynecology, University of Exeter (Буюк Британия); University Busto Arsizio, Varese (Италия); Institute of Psychology, Erasmus University Rotterdam (Нидерландия); University Obstetricians and Gynaecologists (Австралия); University of Hong Kong, Capital Institute of Paediatrics, University of Hong Kong Shenzhen (Хитой); BioCruces Health Research Institute of Universitario Cruces (Куба); University of the Basque Country (Испания); Institute of Medical

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

³Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.barry.edu; www.harrisbirthright.org; www.ucl.ac.uk; www.isuog.org; www.ranzcog.edu.au; www.exeter.ac.uk; www.studies-in-europe.eu; www.eur.nl; www.usnews.com; www.ncbi.nlm.nih.gov; www.cuhk.edu.cn; www.biocrucesbizkaia.org; www.ehu.eus; www.kimskarad.in; www.cmb.ac.lk; www.medicine.yonsei.ac.kr; www.portal-en.tbzmed.ac.ir; www.nczd.ru; www.tipme.uz ва бошқа манбалар асосида амалга оширилган.

Sciences University Krishna (Ҳиндистон); University of Colombo (Колумбия); Rehabilitation Institute of Neuromuscular Disease Yonsei University (Корея); Tabriz University of Medical Sciences (Эрон); Болалар саломатлиги илмий маркази (Россия Федерацияси).

Ультратовуш ва биокимёвий скрининг усулларнинг самарадорлигини ошириш бўйича қатор илмий натижалар олинган, жумладан: инвазив усули билан ҳомиланинг ДНКни кариотиплаш ёрдамида хромосома аномалияларини аниқлашга асосланган (University Hunan (Хитой)); ҳомиланинг генетик нуқсонларини ягона хромосома микрочиплар SNP ва ноинвазив пренатал НИПТ синамалари ёрдамида ташхислаш усуллари ишлаб чиқилган (Institute of Psychology, Erasmus University Rotterdam (Нидерландия)); ҳомиладорлик даврида ирсий касалликларни ташхислашда ДНК ташхисоти орқали жинсий хромосомаларнинг хужайраларсиз фетопланцетар мозаицизмнинг самарали ташхислашга салбий таъсир механизми ишотланган (University Busto Arsizio, Varese, Department of Obstetrics and Gynecology (Италия); она қони плазамасидаги биокимёвий маркерлар ёрдамида альфа фетопротеин миқдорини камайиши ва кўпайиши натижасида ирсий касалликларнинг тури ва гуруҳи ишотланган (Harris Birthright Research Centre for Fetal Medicine, King's College Hospital Medical School London (Буюк Британия); ҳомиланинг меъёрий даражада ривожланишини баҳолашда ультратовуш скрининг текширув баённомасида фетометрик ўлчовлар ўрни асосланган (The Royal Australian and New Zealand College of Obstetricians and Gynaecologists Department of Obstetrics and Gynecology University of Exeter (Буюк Британия)); ирсий касалликларни перинатал ташхислашда инвентирланган дубликациясининг 8Р синдромини 18-трисомияга ўхшаш тартиби ишотланган (Gynecology and Reproductive Sciences, University of Maryland, University of Miami (АҚШ); ҳомиладан материал олинишини талаб этадиган ҳомилани кариотиплаш усулининг асосий тартиби ишотланган (BioCruces Health Research Institute, Universitario Cruces (Куба)); эндемик буқоқ касаллиги билан хасталанган ҳомиладорлардан ривожланган ҳомиладаги генетик нуқсонлар ривожланиш хусусиятлари ишотланган (The Fetal Medicine Foundation United Kingdom (Буюк Британия)); ҳомиладорликнинг биринчи уч ойлигида комбинирланган, яъни, ултратовуш ва биокимёвий тадқиқотлар асосида 13, 18 ҳамда 21-трисомия хромосом касаликларининг аниқ ташхислаш тизими ишотланган (University of Exeter Буюк Британия)); туғма нуқсонлари ва хромосома аномалияларини ташхислашда ультратовуш ва биокимёвий скрининг усулларнинг самарадорлиги такомиллаштирилган (Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, Ўзбекистон).

Дунёда ҳомиланинг туғма нуқсонлари ва хромосома аномалияларни ташхислашда ультратовуш ва биокимёвий скрининг усулларнинг самарадорлигини такомиллаштиришни асослаш бўйича қатор устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: ҳомиладорликнинг илк босқичларида регионал фетометрик ва биометрик меъёрларини ҳамда микроцефалияни эрта ташхислашнинг ултратовуш маркёрларни ишлаб чиқиш; ҳомиладорликнинг биринчи триместрида ультратовуш скрининг

текширувининг янги протоколини хомилани фротомедибуляр ўлчови, эхокардиография маълумотлари билан такомиллаштириш; ҳомиладор аёлнинг ёшига боғлиқ бўлмаган тартибда ҳомилада ирсий касалликларни кузатишни асослаш; ҳомилада туғма ривожланиш нуқсонларини илк пренатал ташхислаш самарадорлигини ошириш мақсадида комплекс эхографик текширув тизимини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Замонавий тиббиётда эришилган ютуқлар ва диагностиканинг янги информатив усулларининг жадал ўсишига қарамасдан 40-60% ҳолатда ривожланиш нуқсонларининг пайдо бўлиш омиллари номаълумлигича қолмоқда. Пренатал ташхиснинг юқори самарали усулларни клиник амалиётига кириш билан, хромосома аномалиялари бўлган болаларни туғилиши хавфи юқори бўлган ҳомиладор аёлларни ўз вақтида аниқлаш имконини беради.

«Ҳомила туғма ривожланиш нуқсонлари сабабли юзага келадиган ногиронлик ва юқори неонатал ўлим кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда пренатал диагностикани такомиллаштириш ушбу ҳолатларнинг олдини олиш борасидаги ягона долзарб ва устувор вазифа бўлиб қолади» (Nicolaides КН., 2016). Ривожланиш нуқсонларини эрта диагностикаси ва профилактикаси оилада тиббий маданиятни ошириш, аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлоднинг туғилиши ва тарбияланиши каби устувор йўналишларни амалга оширишга йўналтирилган асосий вазифалардан бири саналади. «Туғма патологияли беморни даволаш, реабилитация қилиш ва умр давомида боқиш баҳоси пренатал диагностикага кетадиган харажатлардан бир неча баробар (100 карра ортиқ) ортиб кетади, бу эса ТРН билан болалар туғилишини олдини олиш муаммосини соғлиқни сақлашнинг энг долзарб муаммолари қаторига қўяди» (Айламазян Э.К., 2006). Ҳомила ривожланиш нуқсонлари ва хромосома аномалияларини ташхислашнинг кўплаб усуллари таклиф этилганлигига қарамасдан, бугунги кунда мақбул стратегияни танлашда мутахассисларнинг келишуви йўқ. «Ҳомиладорликнинг II триместрида туғма ривожланиш нуқсонларининг пренатал ультратовуш диагностикаси кўп жиҳатдан қийинчилик туғдирмайди, ҳомиладорликнинг эрта муддатларида эхографиядан фойдаланиши кўплаб услубий масалалар ечимини топишни талаб этади» (Swedish Council on Health Technology Assessment).

«Постнатал даврда оғир ногиронликга олиб келувчи ва кенг тарқалган хромосом касалликларидан бири саналувчи Даун синдромини аниқлаш масаласи кескинлигича қолмоқда» (Sonek JD, Nicolaides КН., 2016). «Ҳозирги пайтда хромосом касалликларини пренатал ташхислашнинг асосий усули инвазив муолажа ва ҳомиладан материал олинишини талаб этадиган ҳомилани кариотиплаш усули ҳисобланади» (ISUOG, Consensus statement, 2019). Инвазив муолажаларнинг амалга оширилиши муайян даражада пренатал йўқотишлар билан кечади, шу сабабли операциялар фақат кўрсатмалар мавжудлигида бажарилади. Хромосома касалликлари билан болалар туғилиши бўйича юқори хавф гуруҳига кирувчи аёлларни аниқлаш мақсадида 35 ёшгача бўлган ҳомиладор аёллар ўртасида ультратовуш ва биокимёвий скринингдан алоҳида ва турли комбинацияларда

фойдаланиладиган текширувлар таклиф этилган. «Ҳомила патологиясининг катта миқдордаги билвосита белгиларини статистик таҳлилига асосланган скрининг дастурларнинг энг кўп самарадорлигига ҳомиладорлар максимал қамраб олинганда, яъни тотал (оммавий) текширувларда эришилади» (Медведев М.В., Алтынник Н.А., 2016). Сўнгги йилларда аксарият давлатларда хромосома аномалиялари ва ҳомила ТРН аниқлаш самарадорлигини ошириш учун диагностика сезгирлигини анча кучайтириш ва сохта мусбат натижалар сонини камайтириш имконини берувчи биокимёвий ва ультратовуш маркерларининг уйғунлигидан иборат комбинацияланган ва интеграл тестлардан, ҳамда ноинвазив пренатал тестдан фойдаланилмоқда.

Ўтказилган адабиётлар таҳлили шундан далолат берадики, муаммонинг долзарблиги ҳомила ТРНни эрта комплекс диагностикасига оид муҳим масалалар бўйича мутахассислар бир фикрга эга эмаслиги билан боғлиқ. Келтирилган маълумотлар нуқсонли болалар туғилиши бўйича хавф гуруҳига кирувчи ҳомиладор аёлларда туғма нуқсонларнинг эҳтимолий ривожланишини прогнозлаш имконини берувчи генетик текширишнинг оптимал диагностик алгоритмининг излаб топиш ва ишлаб чиқиш долзарб муаммолардан бири эканлигини кўрсатади. Ушбу муаммога бағишланган адабиётларнинг камлиги ва умумлаштирилган ишларнинг мавжуд эмаслиги мутахассисларнинг бу тоифадаги нуқсонларни эрта аниқлаш усуллари ва замонавий диагностик хусусиятлари ҳақида етарлича маълумотга эга эмаслигидан далолат беради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар тарраққиётининг устивор йўналишига мувофиқ ДИТП-9 «Инсон ички касалликларининг профилактикаси, ташхисоти, даволаш ва реабилитацияси борасида янги технологиялар ишлаб чиқиш» мавзуси ҳамда Тошкент врачлар малакасини ошириш институти «Хусусий, умумий ва тезкор йўналишдаги жарроҳликда коррекциянинг янги усул ва технологиялари: клиник амалиётда ультратовуш ташхисотининг янги технологияларининг ўрни ва ахамиятини ўрганиш» мавзуси доирасида илмий тадқиқотлар режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ҳомиладорликнинг биринчи триместрида ултратовуш ва биокимёвий скринингини қўллаш ёрдамида ҳомила туғма нуқсонлари ва ирсий касалликларини ташхислаш самарадорлигини такомиллаштиришдан иборат

Тадқиқотнинг вазифалари:

ҳомиладорликнинг I триместри фетометрик ва биометрик меъёрларини бошқа давлатлар кўрсаткичлари қиёсий таҳлилининг ўрганиш ҳамда регионар нормативларини ишлаб чиқиш;

ҳомила туғма нуқсонлари, ирсий касалликлари ва ҳомиладор аёлнинг ёши ҳамда фетометрик, биометрик ва биокимёвий кўрсаткичлар орасидаги боғлиқлик даражасини баҳолаш;

ҳомиладорликнинг 11-14 ҳафтасида ҳомила туғма нуқсонлари ва ирсий касалликларини аниқлашда ультратовуш, биокимёвий ва комбинациялашган скрининг эффективлигини баҳолаш;

якуний ташхисотда ноинвазив пренатал тест ва инвазив муолажаларнинг имкониятларини баҳолаш;

ҳомиладорликнинг 11-14 ҳафтасида ультратовуш скрининг текширувнинг янги протоколини такомиллаштириш ва асослаб бериш;

ҳомиладорликнинг I триместрида ҳомила туғма ривожланиш нуқсонлари ва ирсий касалликлари эрта пренатал ташхислаш самарадорлигини ошириш мақсадида пренатал текширув алгоритминини ишлаб чиқиш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2008-2018 йиллар давомида Республика “Она ва бола скрининг” марказида текширишдан ўтган 14550 аёлларнинг маълумотлари таҳлил этилди. Шу жумладан асосий гуруҳга киритилган 13797 ҳомиладор аёллардан, 12424 таси ҳомиласида хромосом касалликлари аниқланиши бўйича паст ҳавф гуруҳига, 998 таси ўрта ҳавф гуруҳига, 375 таси юқори ҳавф гуруҳига киритиб ўрганилди. 368 нафар аёл назорат гуруҳини ташкил этди ҳамда Республика “Она ва бола скрининг” марказида генетик врач ҳисобида назоратда турган Даун синдроми билан туғилган 385 нафар болалар анкеталари ўрганиб чиқилди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида ҳомиладор аёл венасидан олинган қон, хорионбиопсия, плацентобиопсия ёрдамида олинган хорион ва плацента биоптатларини ва кордоцентез ёрдамида олинган киндик тизимчаси қон намуналари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда фетометрик, биометрик, биокимёвий, цитогенетик ва статистик усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ҳомила ўсиши ва унинг ҳажмининг ҳомиладорлик муддатига мослигини объектив баҳолашда илк даврда фетометрик меъёрий кўрсаткичларда бошнинг тепа-думғаза ўлчамининг минтақавий хусусиятлари асосланган;

биометрик кўрсаткичлар ҳамда думғаза тепа ўлчами, бўйин бўшлиғи қалинлиги, бурун суяги ва фронто-мандибуляр меъёрларни ҳисобга олган ҳолда ривожланиш нуқсонлари ва хромосома аномалиялари билан ҳомилани пренатал идентификациялашнинг ультратовуш мезонлари исботланган;

ҳомиладорликнинг эрта муддатларида Даун синдроми ва микроцефалия ривожланиш хавфини тасдиқлашнинг фетометрик ва биометрик хусусиятлари ва специфик биокимёвий ҳамда ультратовуш скрининг мезонлари исботланган;

ноинвазив пренатал тестни қўллаган ҳолда скрининг текширувида ҳомиланинг хромосом аномалиялари ва ультратовуш анатомиясини эхографик белгиларини баҳолашга комплекс ёндашув тизими ишлаб чиқилган;

ҳомиладорликнинг дастлабки босқичларида хромосома аномалиялари ва ҳомила нуқсонлари белгиларини ўз вақтида аниқлаш учун текширувни босқичма – босқич комплекс скрининг қилиш учун ультратовуш протоколи

такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ҳомила думғаза тепа ва фронто-мандибуляр ўлчамлари, бўйин бўшлиғи қалинлиги ва бурун суяқларининг регионал меъёрлари ишлаб чиқилган;

пренатал скринингни такомиллаштириш учун асосий йўналишларни белгилаб олиш имконини берувчи инвазив муолажалар натижалари тасдиқланган;

ҳомиладорлик муддатини тўғри баҳолаш, биокимёвий плазмопротеин-А (РАРР-А), эркин β-инсон хориони гонадотропиннинг (β-ИХГ) ва ультратовуш маркерлар – бўйин бўшлиғи, бурун суяқлари, шунингдек ҳомиланинг фронто-мандибуляр ўлчамлари меъё ий кўрсаткичлари ва тақсимланиш параметрларини белгилаш структураси баҳоланган;

ҳомила фронто-мандибуляр ўлчамининг норматив қийматларидан четга оғишларни тасдиқлаш учун таклиф этилган скрининг – маркёрни ҳисобга олган ҳолда микроцефалияни эрта ташхислаш мезонлари такомиллаштирилган;

эхографик, биокимёвий параметрларга асосланган ва ноинвазив пренатал тест билан уйғунлашган пренатал скринингни ўтказиш усулини танлаш ҳомила туғма ривожланиш нуқсонларининг диагностик тасдиқланишини такомиллаштирган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот ишида замонавий усул ва ёндошувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, ультратовуш фетометрия, биометрия, биокимёвий, цитогенетик, инструментал, лаборатор, клиник, фармокологик ва статистик тадқиқот усулларига асосланилганлиги, шунингдек, ҳомиланинг туғма нуқсонлари ва хромосома аномалияларни ташхислашда ултратовуш ва биокимёвий скрининг усулларнинг самарадорлигини баҳолаш натижалари халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган хулоса ва таклифлар ўзининг назарий аҳамиятга моликлиги, ҳомила ривожланиш нуқсонлари ва хромосома аномалияларини пренатал ташхисот хусусиятларини баҳолаш, ҳомила ўсиши ва эрта муддатларда ҳомиладорлик муддатига ҳомила ўлчамининг мос келишини объектив баҳолаш учун фетометрик ва биометрик меъёрий кўрсаткичларнинг регионал хусусиятлари, ҳомила фронто-мандибуляр ўлчамини баҳолашнинг эхографик мезонлари белгиланган ва хромосома патологияларида туғма ҳамда ирсий касалликлар бўйича юқори хавф гуруҳини ажратишда ёрдам берадиган комбинацияланган скринингнинг сезгирлигини такомиллаштириш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ультратовуш ва биокимёвий скрининг натижаларига ишлов беришнинг таклиф этилган методикаси сохта мусбат ва сохта манфий жавоблар даражасини қисқартириш, ноинвазив пренатал тестнинг ультратовуш скрининги билан биргаликда ўтказилиши ҳомила

ривожланиш нуқсонлари ва хромосома аномалиялари ташхисоти яхшилаш ва постинвазив асоратлар хавфини камайтириш имконини бериши исботланган. Пренатал текширув натижаларининг ишончлилигига таъсир кўрсатувчи комбинацияланган скринингда инвазив аралашувлар ўтказиш хусусиятлари тасдиқланган ва бу ҳомиладорларни олиб боришнинг тактик-техник аспектларини такомиллаштириш учун асосий йўналишларни белгилаб берди. Пренатал скринингни бажаришда тавсия қилинган тактик-техник аспектларнинг татбиқ этилиши эрта ва кечки асоратлар частотасини камайтириш, шунингдек ҳомила ривожланиш нуқсонлари ва хромосома аномалияларини ўз вақтида ташхислашни яхшилаш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ҳомиланинг туғма нуқсонлари ва хромосома аномалияларни ташхислашда ультратовуш ва биокимёвий скрининг усулларнинг самарадорлигини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Ҳомиладорларнинг ультратовуш ва биокимёвий скрининги» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 29 декабрдаги 8н-р/209-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма ҳомиладорликнинг эрта муддатларида хромосома аномалиялари ва турли хил туғма нуқсонларни ўз вақтида пренатал ташхислаш сифати ва самарадорлигини яхшилаш, шунингдек ультратовуш ташхисот шифокорларининг ушбу четга оғишларни тасдиқлаш борасидаги билим ва малакаларини кенгайтириш имконини берган;

Ҳомиланинг туғма нуқсонлари ва хромосома аномалияларни ташхислашда ультратовуш ва биокимёвий скрининг усулларнинг самарадорлигини ташхислаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика «Она ва бола скрининг маркази», Тошкент Врачлар малакасини ошириш институти, Наманган ва Фарғона скрининг марказлари амалий фаолиятига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 12 июлдаги 8н-з/51-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши пренатал ташхисотини амалга ошириш тактикасини такомиллаштириш, ривожланиш нуқсонлари ва хромосома аномалиялари билан болалар туғилиши хавф гуруҳларини эрта баҳолаш ва шакллантириш имконини бириш, хусусан 67,4% ҳомилада хромосома патологиялари, шу жумладан 76,4% ҳомилада Даун касаллиги, сохта мусбат натижалар даражаси 12,6% ни аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, 8 та илмий – амалий анжуманларда, жумладан 6 та халқаро ва 2 та республика илмий – амалий анжуманларида муҳокомадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш,

бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 163 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари кўрсатилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган

Диссертациянинг «**Ҳомила ривожланиш нуқсонлари ва хромосома аномалияларини ультратовуш ва биокимёвий скринингининг замонавий талқини**» деб номланган биринчи боби бўйича маҳаллий ва хорижий тадқиқотлар натижалари ва адабиётларнинг батафсил таҳлили келтирилган. Шунингдек, ҳомиладорликнинг эрта муддатларидаги ультратовуш скринингда ҳомиланинг текшириладиган структуралари ўлчамларини стандартлаштириш ва асосий ёндошувлар, ҳомиладорликнинг биринчи триместрида ҳомила ривожланишидаги туғма нуқсонларни пренатал ультратовуш таъхислаш имкониятлари акс эттирилган. Ҳомиладорликнинг илк босқичларида хромосома касалликларининг пренатал эхографик маркёрларини аниқлашнинг афзалликлари ва камчиликлари таҳлил қилинган, шунингдек, мазкур муаммонинг ўз ечимини топган ҳамда ечими топилиши лозим бўлган аспекти белгиланган.

Диссертациянинг «**Ҳомила ривожланиш нуқсонлари ва хромосома аномалияларини ультратовуш ва биокимёвий скрининг баҳолаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида клиник материал тавсифи келтирилган. Умумий 14550 таҳлил қилинган анкеталардан, 13797 ҳомиладор аёллар асосий гуруҳга киритилган бўлиб, улардан 12424 та ҳомиладор аёллар ҳомиласида хромосом касалликлари аниқланиши бўйича паст ҳавф гуруҳига, 998 ўрта ҳавф гуруҳига, 375 юқори ҳавф гуруҳига киритилди.

Эхографик текширувда ҳомиладорлик жараёни асоратларсиз кечган 368 нафар аёл назорат гуруҳини ташкил этган. Ушбу гуруҳдаги ҳомилалар тепадумғаза ўлчами, бўйин бўшлиғи қалинлиги, бурун суяги ўлчами ва фронтотомандибуляр ўлчамларнинг нормативларини ўрганишда қулланилган.

Ҳамда Даун синдроми билан туғилган Республика «Она ва бола» скрининг марказида генетик ҳисобида назоратда турган 385 нафар болалар анкеталарининг ретроспектив таҳлили келтирилган.

Тадқиқот мақсадига эришиш учун қўйилган вазифалар ечимини топишда ҳомилада туғма ва ирсий (хромосома) касалликлар ривожланиши бўйича юқори ҳавф гуруҳига ҳомиладор аёлларни танлаб олиш учун пренатал диагностикада қўлланиладиган барча усуллардан фойдаланилди.

Махсус лаборатор текширув усуллари тўплами қуйидаги асосий усулларни ўз ичига олди: ультратовуш диагностика усуллари (ультратовуш фетометрия, биометрия); қоннинг эмбрионал маркерли зардоб оқсилларини биокимёвий текшируви; ноинвазив пренатал тест.

Хорионбиопсия, плацентобиопсия ёрдамида олинган хорион ва плацента биоптатларини ва кордоцентез ёрдамида олинган киндик тизимчаси қон намуналарини цитогенетик текшириш усуллари; Даун касаллиги билан боланинг туғилиш хавфини математик ҳисоблаш усуллари; материалга статистик ишлов бериш усуллари.

Ҳомиланинг думғаза тепаўлчами, бўйин бўшлиғи қалинлиги, бурун суяклари узунлиги ва фронто-мандибуляр ўлчамининг норматив процентил кўрсаткичларини ишлаб чиқиш учун эхографик текширувда ҳомиладорлик жараёни асоратларсиз кечган ва назорат гуруҳига киритилган 368 нафар аёл текширилди, шундан 85 (23,09%) та аёл ҳомиладорликнинг 11-ҳафтасида, 103(27,99%) та аёл - 12 ҳафтасида ва 180 (48,91%) та аёл ҳомиладорликнинг 13 ҳафтасида текширилди.

Ҳомиласида ривожланиш нуқсонлари қайд этилган 344 нафар аёллар анкеталари ҳамда хромосома аномалиялари билан болалар туғилиши бўйича ўрта ва юқори хавф гуруҳига кирган инвазив муолажа ўтказилган 88 нафар аёллар анкеталари тадқиқотнинг асосий вазифалари ечимини топиш мақсадида, яъни микроцефалияни эрта ташхислашда янги параметр (фронто-мандибуляр ўлчам) дан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш; ҳомиладорликнинг 11-14 ҳафтасида ультратовуш скрининг текширувининг янги протоколини такомиллаштириш ва асослаб бериш; ҳомила; ривожланиш нуқсонлари ва хромосома касалликларини эрта ташхислашда пренатал эхография имкониятларини аниқлаш мақсадида ўрганилди.

Комплекс клиник-инструментал, ультратовуш, лаборатор текширувлар Ўзбекистон Республикаси «Она ва бола скрининги» маркази базасида 2008 йилдан 2018 йилгача бўлган давр мобайнида ўтказилди. Жами бўлиб 14550 та текширув ўтказилган, шундан 14165 (97,4%) ультратовуш, 13821 (95,1%) биокимёвий ва 88 (23,5%) инвазив текшириш усуллари ва 385 (2,57%) та Даун синдроми билан туғилган бола, 18 (4,8%) та пренатал тест.


14165 та ультратовуш текширувидан 13821 (97,6%) та физиологик ҳомиладорликда фетометрик ва биометрик текширувлар ўтказилган, 344 тасида ҳомиладорлик асоратлар билан кечган, шундан ҳомила ривожланиш нуқсонлари 212 (1,49%) ва акушерлик патологиялари 132 (0,93%) тасдиқланган, ҳамда 375 (2,65%) нафар ҳомиладорда – боланинг хромосома аномалиялари билан туғилиш хавфи юқорилиги аниқланган.

Контрол гуруҳи аёллари учун анкеталар қуйидаги мезонлар бўйича танлаб олинган: ҳомиладорлар ёши 18 дан 42 ёшгача; 26-30 кунлик циклда охирги ҳайз санаси ёки ҳомиладор бўлиш санаси аниқ маълум; ҳайз кунларининг давомийлиги 5 кунгача, ҳомиладор бўлиш циклигача 3 ой давомида орал контрацептивлари қабул қилинмаган; ҳомиладорликлар сони 1-10; ҳомиладорликнинг физиологик кечиши; ҳомиладорликнинг бирор бир патология белгиларисиз бир ҳомидалиги; чақалоқда ирсий патологиялар ва ривожланиш нуқсонларининг йўқлиги; туғруқлар 37 ҳафтадан 40 ҳафтагача

бўлиб ўтганлиги; туғилганда боланинг вазни 2500 дан 4640 г, бўйи 46 дан 61 см меъерий кўрсаткичлар чегарасида бўлган; ҳомиладорлик пайтида онада артериал гипертензия, қандли диабет ва қалқонсимон без, сийдик ажратиш тизими касалликлари, ўткир юкумли ва генитал касалликларнинг йўқлиги.

Диссертациянинг «**Ҳомиладорликнинг 11-14 ҳафталигида фетометрик ва биометрик кўрсаткичлар меъерий кўрсаткичларини ишлаб чиқиш**» деб номланган учинчи бобида ўтказилган тадқиқот натижалари таҳлил қилинган. Гестация муддатларига боғлиқ ҳолда ҳомиланинг думғаза тепа суяги ўлчами, бўйин бўшлиғи қалинлиги, бурун суяклари узунлиги ва фронт-мандибуляр ўлчамининг норматив процентил кўрсаткичларини ишлаб чиқиш учун ҳомиладорликнинг 11-14 ҳафтасида эхографик текширувлар 368 нафар аёлда ўтказилди. Ўтказилган тадқиқотлар думғаза тепа суяги ўлчами, бўйин бўшлиғи қалинлиги ўлчамлари 100% ҳомилада ўрганилди.

Физиологик кечган ҳомиладорликнинг 11+0-13+6 ҳафтасида 368 ҳомиладорда думғаза тепа суяги ўлчами катталикларини аниқлаш учун ультратовуш фетометрия ва биометрия ўтказилди. Думғаза тепа суяги ўлчами ўлчами ҳар бир ҳомилада икки мартадан ўлчанди ва иккита ўлчовдан ўртача катталиги танлаб олинди (1- расм).




1-расм. Ҳомиладорликнинг I триместрда скрининг ўтказиш учун ҳомиланинг дум суяги- калланинг тепа суягининг FMF (мм) ўлчами

Думғаза тепа суяги ўлчамининг ушбу катталигини ҳомиладорлик муддатига мослигини аниқлаш учун мунтазам ҳайз циклдаги охириги ҳайз кўриш санасига асосланган ҳомиладорлик муддати билан ҳомила думғаза тепа суяги ўлчами кўрсаткичи асосида ҳисобланган ҳомиладорлик муддати ўртасидаги фарқ баҳоланди.

Охириги ҳайз кўриш санаси ва ҳомила думғаза тепа суяги ўлчами кўрсаткичи бўйича ҳисобланган ҳомиладорлик муддатлари ўртасидаги фарқ 5 кундан кам бўлганда ҳомиладорлик муддатини охириги ҳайз санаси бўйича

аниқланди. Бу фарқлар 5 кундан ортиқ бўлган ҳолатда ҳомиладорлик муддати думғаза тепа суяги ўлчами кўрсаткичи бўйича аниқланди. Ҳайз цикли мунтазам бўлмаган ҳолатларда ҳомиладорлик муддатларини аниқлаш учун ҳомила думғаза тепа суяги ўлчами кўрсаткичларидан фойдаланилди (2-расм.).



2- расм. Ҳомиладорликнинг физиологик кечишида ҳомиланинг думғаза тепа суяги ўлчами (мм)

Бўйин бўшлиғи қалинлиги, бурун суяги ва фронто-мандибуляр ўлчами каби биометрик кўрсаткичларни баҳолаш думғаза тепа суяги ўлчами катталигига боғлиқ, бунда ҳомиланинг думғаза тепа суяги ўлчамининг минимал катталиги FMF маълумотлари бўйича 45 мм ни ташкил этади, бу ҳомиладорликнинг 11-ҳафтасига мос келади, максимал ўлчами эса 84 мм ни ташкил этади, бизнинг натижаларимиз бўйича эса думғаза тепа суяги ўлчамининг минимал кўрсаткичи 42 мм ни, максимал кўрсаткич эса 77 мм ни ташкил этди. Қайд этиш лозимки, думғаза тепа суяги ўлчами медианасининг ишлаб чиқилган ўлчамлари 11 ҳафталикда $46,2 \pm 3,1$ мм, 12 ҳафталикда – $56,9 \pm 3,8$ мм, 13 ҳафталикда $69,1 \pm 3,7$ мм ташкил қилди ($p < 0,001$, жуфт t-тест) (3- расм).

Ҳомиладорликнинг биринчи триместрида қон зардоби оксилининг ҳомиладорлик билан боғлиқ А концентрацияси (РАРР-А) ва β -ИХГ концентрацияси ҳомиладор 368 нафар аёлда ҳомиладорликнинг 11 ҳафта 1 куни- 13 ҳафта 6 куни муддатларида текширилди.

Биокимёвий маркёрларни ўрганишда аниқландики, РАРР-А концентрацияси ҳомиладорликнинг 11-ҳафтасида ўртача 1,46 МоМ, 12-ҳафтасида-1,41 МоМ ва 13 ҳафтасида – 1,38 МоМ ташкил қилди, ИХГ концентрацияси ҳомиладорликнинг бу муддатларида ўртача 1,31 МоМ, 1,34 МоМ ва 1,41 МоМ мос равишда бўлди, ИХГ нинг думғаза тепа суяги ўлчами мусбат корреляцион боғлиқлиги аниқланди, РАРР-А манфий корреляцион боғлиқликка эга бўлди.



**3-расм. Ҳомиладорликнинг I триместрида скрининг ўтказиш учун
хомиланинг думғаза тепа суяги ўлчами (мм)**

Биз бўйин бўшлиғи қалинлиги кўрсаткичларининг ҳомиладорлик муддатларига боғлиқлигининг регрессион таҳлилини ўтказдик. Ҳомиладорликнинг биринчи триместрида хомилаларнинг бўйин бўшлиғи қалинлиги кўрсаткичларини тақсимланишининг график ва математик таҳлили натижалари 1-жадвал келтирилган ($p < 0,001$, жуфт t-тест).

Жадвал 1

Ҳомиланинг бўйин бўшлиғи қалинлиги меъёрий кўрсаткичлари (мм)

Ҳомиладорлик муддати	Процентиль		
	5-нчи	50-нчи	95-нчи
11 ҳафта 0 кун – 11 ҳафта 6 кун	0,7	0,8	1,0
12 ҳафта 0 кун – 12 ҳафта 6 кун	0,7	0,9	1,2
13 ҳафта 0 кун – 13 ҳафта 6 кун	0,8	1,0	1,4

Бўйин бўшлиғи қалинлиги катталашуви ҳомила хромосома патологиясининг маркери ҳисобланади. Бўйин бўшлиғи қалинлигини ўлчаш битта текширувда икки мартадан амалга оширилди ва иккита ўлчовдан ушбу кўрсаткичнинг максимал қиймати танлаб олинди. Битта ҳомилада ўтказилган биринчи ва иккинчи ўлчовда бўйин бўшлиғи қалинлиги кўрсаткичи сезиларли фарқланмади ($p < 0,001$, жуфт t-тест) (4- расмга қаранг).

Олинган натижалар таҳлили бўйин бўшлиғи қалинлиги билан думғаза тепа суяги ўлчами ўртасидабевосита пропорционал боғлиқлик мавжуд эмаслигини кўрсатди: хомиланинг думғаза тепа суяги ўлчами ортиши билан унинг бўйин бўшлиғи қалинлиги ўзгармади.

Мисол учун, ҳомила 11 ҳафталик муддатида думғаза тепа суяги ўлчами 42-50 мм бўлганда унинг бўйин бўшлиғи қалинлиги кўрсаткичи ўртача 0,8 мм ни ташкил қилди, 12 ҳафталикда думғаза тепа суяги ўлчами 51-57 мм бўлганда бу кўрсаткич ўртача 0,9 мм ва 13 ҳафталикда думғаза тепа суяги ўлчами 58-77 мм бўлганда бу кўрсаткич ўртача 1 мм ни ташкил этди.



4-расм. Ҳомиланинг бүйин бўшлиғи қалинлиғи (мм)

Ҳомилада хромосома патологияси хавфини баҳолашда ҳомиладорлик муддатидан қатъий назар бүйин бўшлиғи қалинлиғи кўрсаткичини баҳолаш мумкин, бу ҳомилада хромосома касаллигини аниқлашда ушбу маркёр самарадорлигини оширади. 375 та юқори хавф гуруҳига кирувчи аёллардан 95 тасида бүйин бўшлиғи қалинлиғи 2,5 мм дан 7,9 мм гача кенгайганлиги қайд этилган бўлиб, улардан 12 нафарида 21 хромосома трисомияси тасдиқланди. 998 та оралиқ хавф гуруҳидаги аёллардан биттасида (бүйин бўшлиғи қалинлиғи 1,9 мм) ва паст хавф гуруҳидаги аёллардан 13 нафарида (бүйин бўшлиғи қалинлиғи 1,7-2,1 мм) сохта манфий натижа кузатилди.

Тадқиқотларда бурун суяклари мавжудлиғи ва мавжуд эмаслиғи 368 та ҳомилада баҳоланди. Ҳомиладорлик муддатига боғлиқ ҳолда ҳомила бурун суяклари узунлигининг олинган норматив кўрсаткичлари процентил эгри чизиқлар кўринишида (5-нчи, 50-нчи ва 95-нчи процентилларда) ифодаланди (жадвал 2) ($p < 0,001$, жуфт t-тест).

Бунда кўрсаткичлар 5-нчи процентилдан кам бўлганда бурун суяклари гипоплазияси ҳисобланади. 5-чи процентил ҳақидаги маълумотлар алоҳида эътиборга молик, чунки бу кўрсаткич ҳомила бурун суяклари узунлигининг меъерий кўрсаткичларининг қуйи чегарасини ва хромосома аномалияларининг маркёр саналувчи бурун суяқларидаги гипоплазия мезони ҳисобланади.


Бу кўрсаткич ҳомиладорликнинг 11–ҳафтасида 1,6 мм ва 13–ҳафтасида 2,5 мм ни ташкил қилди. Бурун суяқларининг мавжуд бўлмаган барча ҳолларида 21-хромосома трисомияси тасдиқланди. Эдвард синдроми билан эса кўпчилик ҳолларда бурун суяғи эхографик қайд қилинди, шунинг учун бурун суяғи узунлигини ўлчаш ҳомиладорликнинг биринчи триместрда хромосом аномалияларнинг бошқа маркерлари билан биргаликда баҳоланади.

Жадвал 2

Ҳомила бурун суяклари узунлигининг норматив кўрсаткичлари (мм)

Ҳомиладорлик муддати	Процентиль		
	5-нчи	50-нчи	95-нчи
11 ҳафта 0 кун – 11 ҳафта 6 кун	1,6	2,6	3,2
12 ҳафта 0 кун – 12 ҳафта 6 кун	2,0	2,9	3,6
13 ҳафта 0 кун – 13 ҳафта 6 кун	2,5	3,2	4

Аммо хромосома касаллиги қайд этилган аксарият ҳомилаларда бурун суяклари ҳомиладорликнинг биринчи триместрида ёқ кўринади, бу бурун суякларини баҳолашдан ҳомила хромосома патологиясининг ягона маркери сифатида фойдаланиш имконини бермайди. Шу сабабли ҳомиладорликнинг биринчи триместрида ҳомила хромосома патологияларининг бошқа маркерлари билан биргаликда бурун суяклари узунлигини ўлчаш мақсадга мувофиқ саналади (5- расмга қаранг).



А



Б

5-расм. 13 ҳафталик ҳомиладорлик: А- меъёрда бурун суяги кўриниши ва Б- Даун синдроми қайд этилган ҳомилада бурун суяклари тасвирининг йўқлиги

Шундай қилиб, бўйин бўшлиғи қалинлиги ва бурун суяклари узунлигини баҳолаш ҳомиладорликнинг I триместрида ҳомилада Даун синдромининг ультратовуш скрининги самарадорлигини ошириш учун бошқа эхографик маркёрлар билан биргаликда қўллаш мумкин бўлган мустақил кўрсаткичлар ҳисобланади. Мисол учун, бизнинг тадқиқотимизда бўйин бўшлиғи қалинлигини алоҳида қўллаш сезгирлиги ҳомилада Даун синдромини аниқлашда 66,4%ни ташкил этди, бўйин бўшлиғи қалинлигини баҳолаш ва бурун суяклари узунлигини ўлчаш биргаликда қўлланганда - 76,5%ни ташкил қилди.

Шу сабабли бўйин бўшлиғи қалинлигини ва бурун суяги узунлигини

баҳолашда ҳомиладорликнинг эрта муддатларида скрининг ультратовуш текширувида фойдаланиш зарур.

